ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

287 Вазирлар Махкамасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги ги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси хузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўгрисида» 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарорига ўзгартириш киритиш хақида

Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлигининг Урмон хужалиги бош бошқармаси ҳузуридаги Манзарали боғдорчилик ва урмон ҳужалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлигининг Урмон хужалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва урмон ҳужалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш турисида» 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарорининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
- «6. Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг фаолияти хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар, ўрмон хўжалиги тадбирларига бюджетдан ажратилган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади».
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2009 йил 17 июнь, 167-сон